

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 794-ҳадис

794 - وَعَنِ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرْبُوعًا، وَلَقَدْ رَأَيْتُهُ فِي حُلَّةٍ حُمْرَاءَ مَا رَأَيْتُ شَيْئًا قَطُّ أَحْسَنَ مِنْهُ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5848، م 2337].

794. Баро розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўрта бўйли эдилар. Мен у зотни эгниларида қизил сарпода кўрдим. У зот соллаллоху алайҳи васалламдан кўркамоқ ҳеч кимни кўрмаганман».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Биз «сарпо» деб таржима қилган сўз арабчада «хуллатун» деб келган. Уларда икки бўлак кийимдан иборат кийимни «хуллатун» дейилади. Ажнабийларда пиджак ва шимдан иборат кийимлар тўпламини костюм дейилгани каби. Биздаги «сарпо» сўзи асли форсча бўлиб, сар-бош, по-оёқ, иккиси қўшилиб, бошдан-оёқ маъносини билдиради.

Бу ривоятда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ташқи кўринишлари васф қилинмоқда.

1. **«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ўрта бўйли-қоматли эдилар».**

Яъни, бўйлари паст ҳам эмас, ўта баланд ҳам эмас эди.

2. **«Батаҳқиқ, мен У зотни қизил сарпода кўрдим».**

Демак, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бошдан-оёқ қизил рангдаги кийим кийган ҳолатлари ҳам бўлган.

3. **«Ундан кўра гўзалроқ нарсани ҳеч кўрмаганман».**

Яъни, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламни қизил сарпо кийиб турганларидаги гўзал ҳолатга ўхшаш ҳолатни умримда ҳеч кўрмаганман.

Кийимларнинг ранги ҳақида келган ривоятларга тааммул ила разм соладиган бўлсак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, саҳобалар ҳам турли рангли кийимларни кийганларини кўрамиз. Фақат, аввал баён қилинганидек, шуҳрат учун бўлмаса, бас! Шу билан бирга, яшил ва оқ рангли кийимлар афзал кўрилгани ҳам ҳақиқат. Ким ўша ранглари иштиёр қилса, яхши бўлади. Лекин бошқа рангдаги кийим соҳибларини маломат қилмаслик керак.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI